

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИ БУЮК САНЪАТКОР



Санъатнинг қудратини, санъаткор ҳаётининг бетакрорлигини ҳақиқий санъатни «санъатдан» ажрата оладиган, унинг сеҳрига ғарқ бўлган одамгина англайди. Ҳақиқий санъаткор ҳатто муз қотган юракни ҳам ўз чилдирмасига уйната олади, оҳангларига жўр қилади.

Аммо ана ўша санъаткорлар ҳаёти кўпам чиройли ўтавермайди. Ойхон ая Ёқубова эса ҳам санъатдан, ҳам оиладан, фарзандлардан бахти кулган аёл. Ая Ўзбекистон халқ артисти машҳур найчи Исоқжон Қодиров билан ўттиз йилдан зиёдроқ бирга умр кечиришди. 2 ўғил, 2 қизни вояга етказиб тарбиялашди. Тақдир экан Исоқжон ака ҳаётдан эрта куз юмиб, оиланинг бутун оғирликлари аянинг елкасига тушди. Аёл дарду ҳасратини тоғлар кутара олмаслиги мумкин, аммо аёл тоғни кутаради.

Санъатнинг сеҳри шунчалар кучли эканки, у кўнгилдан сўраб ўтирмас экан. Ўзбекининг тўйлари, байрамлари кўп. Ёшлигидан тўй-туйиқларда, халқ сайлларида янраган «Ёр-ёрлар», «Келин саломлар» ёш Ойхонни сеҳрлаб олади. Не кўз билан кўрсинки, аввалига ўз-ўзига қўшиқ хиргойи қилиб юрган санъаткор кейинчалик эл-улус ўртасида ҳам чилдирма чалиб халқ лапарларини куйлай бошлайди. Шу тариқа у ўзи ҳам билмаган ҳолда бир умр санъатга ошно бўлиб қолади. Ҳеч ким уни қулидан етаклаб санъат даргоҳига олиб келмади, «Мана шу ерда ўқисанг, катта одам бўласан», — деб насиҳат қилмади. Уни катта саҳналарга ўзбекининг куй-қўшиқлари сеҳри етаклаб чиқди.

Халқ термаларидаги оддийлик, оддийликка йўғрилган самимият ва покиза туйғуллар ҳаяжони Ойхон опага тинчлик бермасди. Замонлар ўзгаради, уларга муносиб одамлар ҳам ўзгариб боради. Унутилаётган куй-қўшиқларни қайта тиклаш ва бунинг баробарида фольклор халқ этнографик ансамблини тузиш нияти борлигини устози Ҳалимаҳонимга билдирганида у қувониб кетади. Устоз шогир-

дининг хайрли ишларига оқ йўл тилаб, бисотидаги тақин-чоклари-ю, миллий либосларини инъом этади.

Аёл киши учун уй юмушлари, турмуш ташвишларидан ортиниб қўшиқ куйлаш, ҳамиша одамлар орасида бўлиш осон иш эмас, албатта. Устоз утигларидан руҳланган шогирд санъат йўлида бир умр фидойиликни танлади. Халқ орасидан ўзига ўхшаган санъат шойдоларини топиб «ГАВҲАР» фольклор халқ ансамблини тузди. Улар ҳам опа каби кўнгилларида борини халққа тўкиб солишга ошиққан аёллар эди.

Ҳар ким ўзича қўшиқ куйлайди. Лекин, ҳамма учун қўшиқ куйлаш, оммабоп, санъаткор бўлиш ҳамманинг ҳам қулидан келавермайди. Саида Холмирзаева, Раҳбарой Устаматова, Жамила Зокирова, Тулганой Қодирова, Зоя Холиқова, «Ёр-ёр» ва «Келин саломлар» устаси Раъно Абдурахмоновалар ана шундай санъат қадрини билган инсонлар. Ансамблининг энг улуғ онахони Нортажи ая 79 ёшга кирибдики, ҳамон саҳна билан ҳамнафас.

Бугунги кунда Ойхон ая раҳбарлик қилиб келаятган «ГАВҲАР» фольклор ансамблини нафақат Ўзбекистон, балки чет элларда ҳам билишади. Чунки ансамблининг ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўз йўли, эртаси ҳақида қайғурадиган шогирдлари, аниқроғи ўз мактаби бор. Бу мактабнинг муаллималари бир пайтлар Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимова бўлса, уларнинг қаторидан Ойхон Ёқубова ҳам ўз ўрини топти.

Аслида халқимизнинг ўзи буюк санъаткор. Ундан яшириб ҳам, ошириб ҳам бўлмайди. Алла қайси тилда куйланмасин, у барча оналарнинг гимни. Чилдирма наволари қайси юртнинг саҳнасидан янграмасин, у фақат битта куйни, эзгулик куйини ижро этади. Чунки барча юраклар бир хилда куйлайди.

НИГОРА ЙУЛДОШЕВА

ҚУТЛУҒ РАМАЗОН ОЙИНИГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

11-ойнинг султони Рамазон ойи барча мусулмонлар учун, азиз ва муқаддасдир. Бу улуг ойда жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари беркилади, шайтонлар занжирбанд қилинади. Яхши ният билан қилинган дуолар ижобат бўлади, етим-есирларга мурувват, закот берилади. Мўмин-мусулмонлар Исроом динининг муҳим ибодатларидан бири, руза тутиш шарофатига ҳам шу ойда муяссар бўладилар. Руза парвардигорнинг уз каломми орқали бизга фарз қилган ибодатдир. Унинг замирида инсоннинг иродасини мустаҳкамлаш, уни руҳан ва ахлоқан поклаш, сабру қаноатга ургатиш, нафсоний ва шахвоний орзу-хавасларга чек қўйишга даъват этувчи пурмаъно мазмун ётади.

Пайгамбаримиз (С. А. В.) ибораси билан айтганда, Рамазон ойда икхос, иймон, эътиқод ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб Руза

тутган кимсанинг барча утмиш гуноҳлари кечилилади, махфират қилинади.

Аллоҳ таоло шундай деган: Одам боласининг Рузадан булак барча амаллари узи учундир. Руза эса мен учундир ва мен одам боласини Руза туйфайли мукофотлайман. Руза жаннатдир. Рузадорлар кундузи хотинига яқинлик қилмасин ва бақирмасин, ёмон сўзлар оғзидан чикмасин. Агар бирор киши у билан уришмоқчи бўлса, у «Мен рузадорман», десин. Рузадорнинг оғзидан чиқаётган бадбуй ҳид Аллоҳ наздида мушкнинг хушбўй ҳидидан ҳам афзалдир.

Жаннатда бир эшик бор. Унинг номи Район деб аталади. Қиёмат кунда у эшикдан фақат руза тутганлар кирадилар. Улар кириб бўлганларидан кейин дарвоза беркилади ва бошқа ҳеч ким қўйилмайди. Агар касалованд ва мусофирликда бўлсангиз, рузани бошқа кунлари тутиб беришингиз

мумкин. Руза тутишга чидай олмаганлар бир мискин 2 марта туйдиган фидя бериши лозим. Ҳадисда тонгда оқ ип билан қора ипни ажрата олиш вақти бўлгунга қадар енглар ва ичинглар, сўнгра қоронғу тушгунга қадар рузадор бўлинглар, дейилган.

Аллоҳ таоло уч тоифа кишиларнинг дуоларини рад этмас экан: Оғиз очаётган пайда рузадорнинг қилган дуосини, Одил подшоҳ ва зулм курганларни. Бундай одамларнинг дуоларини Аллоҳ осмону фалакка, булутлар устига олиб чиқади. Дуолар учун Осмон дарвозалари очилади ва Аллоҳ дуо қилувчига: «Буюклигини ва куч-қудрати билан қасамёд этаманки, албатта, сенга, гарчи кейинроқ бўлсада ёрдам беражакман».

Барчангизга мана шу қутлуг ойда Аллоҳ таоло марҳаматида бўлишлик насиб айласин!

Нафиса Райим қизи тайёрлади

ЎЗИМ МАРҒИЛОНДА, КЎНГЛИМ ПОЙТАХТДА ЭДИ...

Аллоҳ: «Бандаларимни узлари ва яқинлари учун қанча кўп яхши нарсалар, эзгуликлар сурасалар, мен уларнинг муродини бераман», — дер экан.

Оддий ишчи оиласида усган, Марғилоннинг ҳамма қизлари қатори ўқишдан бўш вақтларимни дўппи тикиш ва уй юмушлари билан ўтказган... фақат орзуларим кутаринки, бу орзулар шу қадар бандандаровоз эдики, уларни бировага айтишга ҳам уяладиган ёш қалб эдим.

Урта мактабни битирган кунларим дадам оғир дарддан вафот этдилар. Отажонимнинг, «Онангиздан узоққа кетманг», — деган гапларини дилимга тугиб Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирдим. Марғилонда беш йил ўқитувчилик қилдим. Ўзим Марғилонда-ю, фикру ҳаёлим Тошкентда — қайноқ адабий муҳида эди. Кўпинча мактабдан бир кунгига жавоб олиб, поезда Тошкентга келардим. Газета, журналларнинг муҳаррирларига киришга журъатим ё етарди ё йўқ... Лекин, нима бўлса ҳам, худди бир руҳий қувват олгандай она шахримга қайтардим, йул-йўлакай шеърлар қўйиларди...

Оиламиздагилар, айниқса онам менинг ижодга талпиниб турган қалбимни тушунардилар. Бошқа иш, ташвишлар ичида банд бўлсам-да, уларнинг ҳаммаси менга иккинчи даражали эди.

Бир гал Тошкентга келганимда «Саодат» журнаliga шеърлар қолдирдим. Уч ойлардан сўнг ана келиб «Саодат»га кўнгироқ қилганимда, ходимлар шунақанги яхши муомала қилдилар-ки! Редакцияда ҳам мени қутилган меҳмондай қабул қилишди. Хайрон эдим. Кейин бош муҳаррир — Зулфия опанинг хоналарига тақлиф қилишди. Эшикни очиб салом берсам... ҳали-ҳали кўз унгимдан кетмайди: Зулфия опа (икки дунёлари обод бўлсин!) ҳеч кимникига ухшамайдиган тийрак нигоҳларини тикдилар-да:

— Ҳа, «Қатим тортар қизгина!» — дедилар. Аввалги келганимда бирров қуришгандик. Кейин худди ўз фарзандларини қўз-қулагандай ходимларга менинг шеърларим ҳақида сўз-

лаб кетдилар. Айрим сатр, бандларни ёдлаб олган эканлар. Энди... мени қўяверасиз, ҳаттоки энг юксак орзулар қанотида ҳам бу қадар бахтиёр бўлмаганман.

Кейин узимни ёлғиз олиб қолдилар, ота-онам ҳақларидан савол бердилар. Сўхбатда ҳақиқат: — Менга нима гапингиз бор? — деб сўрадилар.

Савол шу қадар самимий, чин дилдан эдики, кўнглим тубидаги ният қалқиб чиқди:

— Тошкентда, ижодкорлар муҳитида ишлагим келади, — дедим.

Тўғриси, бу ниятимни айтишга айтдим-у, лекин амалга ошиши жуда қийиндай эди. Чунки уша пайтгача вилоятимиз газетасига қатнаб, котиба вазифасига бўлса-да, ишга олишларини кутаётган эдим.

Орадан тўрт ойлар утиб, Марғилондаги ишхонамга «Саодат» журналиндан кўнгироқ бўлди — мени журналга ишга тақлиф қилишди. Неча йиллар давомида дилимда

етиб бўлмасдай туюлган орзу йўлига кириб келишим ана шундай бошланганди. Муҳими, уша самимий сўхбат боис Зулфия опадек ажойиб, покиза, улуг одамнинг раҳбарликларида ишлаш насиб этди.

Адабиёт оламида, журналистикада менинг урим, эҳтимол, тилга олишгаям арзимас. Шу нуқтаи назардан ёндошганда, юқоридаги сатрларни ёзиб ҳам утирмасдим. Лекин биргина менинг эмас, балки 60-70-йилларда адабиётимизга кириб келган кўп ижодкор қизларнинг ҳаётидаги бурилиш нуқта устоз Зулфия опа билан танишувдан, у кишининг назарига тушишдан бошлангани сир эмас.

«Нодон билан бир умр яшагандан кура, донининг сўхбатида бир соат бўлмоқ афзал», — деган ҳикмат бор. Айни воқеани эслашимдан мақсад, аввало, устоз Зулфия опани миннатдорчилик билан ёдга олмақ. Тилагим: дилларимиз яхши ниятлардан мунаввар бўлсин, Аллоҳ уларнинг ижобатини берсин, ўзи азиз айлаган одамларни эзгу умидларимизга йўлдош қилсин.

Муҳтарам УЛУҒОВА

«ОИЛА ШАЖАРАСИ» ТАНЛОВИГА НАСЛИНГ — АСЛИНГ

Ҳар бир инсон ўзининг кимлигини билмоғи учун ўз аجدодларини билиши шарт. Кўпинча биз узимизни бундан минг йиллар олдин ўтган улуг шахслар, азиз-авлиёлари авлодларимиз деб фахрланамиз. Аммо уч-тўрт авлод наридаги бобо-момоларимизнинг ҳаттоки исмларини ҳам эслай олмаемиз. Холбуки, инсонлар бевосита авлод-аждодларини билиши ижтимоий, маънавий, ҳам биологик жиҳатдан ўта муҳимдир. Шу мақсадда оилавий шажара тузишнинг йўллари тўғрисида сўз айтишни лозим деб топдим. Бунинг усуллари кўп. Шулар ичида энг оддий, соддалаштирилган усул фақат ота йўналишидаги эрлар бўйича тузилган шажарадир. Бу куйидагича тузилади:

Мен - отам - бувам - бобом - бобокалоним - бобобобокалоним. Агар бунинг менинг аждодларим мисолида ёзсам Норбута - Зайнитдин - Қулжонбой - Ҳайтбой - Очилбой бўлади. Арабча талқинда эса куйидагича ифодаланади: Норбута ибн Зайнитдин ибн Қулжонбой ибн Ҳайтбой ибн Очилбой, яъни бу бугундан ўтмишга томон тузилган шажара. Бунинг ўтмишдан бугунга қараб ҳам тузиш мумкин: Очилбой ибн Ҳайтбой ибн Қулжонбой ибн Зайнитдин ибн Норбута. Бу шажарани ҳозирги кун тили билан ифодаламоқчи бўлсак: Очилбой, унинг ўғли Ҳайтбой, унинг ўғли Қулжонбой, унинг ўғли Зайнитдин, унинг ўғли Норбута тарзида ёзилади.

Ўтмишда кўпгина улуг кишилар ўзларининг ирсий шажарасини шу усулда тузган бўлсалар-да, аммо у тўлиқ эмас. Чунки бунда бевосита аждодларнинг жуда кўп ва катта қисми, айниқса ота ва она йўналишидаги бобо ва момолар аждодлари ифодаланмаган.

Қолаверса, аждодларимизнинг номлари турли жойларда ҳар хил талқин қилинади. Масалан она, опа, ая, ойи ва ҳоказо.

Билмакс республикамиз бўйича ягона тасниф бўйича ҳар бир аждодни бир ном билан аташга утилса, мақсадга мувофиқ буларди. Чунки миллат бирлиги, тил бирлигини тақозо этади.

Н. ЗАЙНИТДИНОВ

САРҲИСОБ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 2-ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 1993-98 йиллардаги иш якунлари ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича истиқболдаги вазифалари тўғрисида жамғарма раиси Г. Йўлдошева маъруза қилди. Маърузачи жамғарманинг ўтган давр мобайнида соғлом ва баркамол инсонларни тарбиялаш борасида белгиланган дастурларни амалга оширгани ва муайян ютуқларга эришгани ҳақида гапириш билан бир қаторда йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳусусида атрофлича маълумот бериб ўтди. Шунингдек, нотик ўз нуқтаида жамғарма иш фаолиятини ривожлантириш

Ахборот

ва такомиллаштириш тўғрисида келгусида қилинадиган ишлар ҳусусида ҳам тўхталди.

— Жамғарма ўз фаолиятида нафақат жисмоний соғломликни, балки болаларнинг ақлий ва ахлоқий ривожланишини ҳам назарда тутди, — деди маърузачи. — Шу мақсадда жамғарма ёш авлодни тарбиялашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Конференцияда тафтиш комиссиянинг ҳисоботи ҳам тингланди. Ҳар икки маъруза юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Унда сузга чиққанлар жамғарманинг беш йиллик фаолиятини қониқарли баҳоладилар.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференциясида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жураев, Республика Бош вазирининг уринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломовалар иштирок этишди ва нуқт сузлашди.

К. МИРЗО

«КУНЛАРНИНГ БИРИДА...» ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТАДИ

«Оила ва жамият»нинг азиз муштарийлари!

Едингида бўлса газетамизнинг шу йил 25-сонига «Кунларнинг бирида...» танловини эълон қилгандик. Шу рух остида сизлардан кетма-кет мактублар олдик ва улар чоп этилди. Танлов сизнинг уз сезимли газетангизга ишончингиз, ихлосу эътиқодингизни яна бир бор намойиш этди. Чунки сиз уларда дарду қувончларингизни, муҳаббат нуфратларингизни, кўнгил сирларингизни баён этдингиз. Сизни уйлатган, қийнаган, ташвишлантирган муаммолар эса узагаларни ҳам лоқайд қолдирмади, минглаб қалбларда акс-садо берди ва газетамизнинг ҳар бир сонига уз ифодасини топди.

Биз танловда иштирок этган барча муаллифларга ташаккуримизни изхор этамиз ва унинг ғолибларини чин дилдан қўтаймиз. Вабда берилгандек, биринчи уринин олганлар газетамизга бир ийлик, иккинчи уринин олганлар ярим ийлик,

учинчи уринин олганлар уч ойлик бепул обуна қилинади.

I-урин: Дилшод Кўлдошев, Саодатхон, Тошпулат Парда углига;


II-урин: Халима Саманова, Зоҳиджон Неймат, Ҳамидулла Йўлдошев, Дилшодбекка;

III-урин: Ойсара Муродова, Дилфуза Усмонова, Замирахон Ҳамидоваларга насиб этди.

Тахририят Гулнора Раҳмонова, Муҳтарам Улугова, Турсуной Турғунова, Норбекка, Темир Курбонга танловда иштирок этганлари учун миннатдорчилик изхор этади. Ғолибларга ун кун ичида тахририятга келишлари ёки кўнғироқ қилишларини сўраймиз. (Исм-фамилиялари, манзилларини аниқлаш мақсадида).

Азиз муштарийлар. «Кунларнинг бирида...» танлови келаси йилда ҳам худди шундай тартибда давом этишини эълон қиларканмиз, ҳаммаларингизни унда фаол иштирок этишга чақирамиз.

ТАХРИРИЯТ



— Маҳкам ака, «Оила ва жамият»дан беринг...

— Ие, тугаб қолувди-ку, агар обуна бўлганингизда бундай қидириб юрмасдингиз-а!.. Лекин, ҳали ҳам кеч эмас...

АЁЛ ЮРГАН ЙўЛЛАР...

Ҳаёт гузал, дунё ажиб, яшамоқдан мурод бир олам маънуиға эга... Лекин, умргузаронликнинг фойз-тароватини ҳар ким уз қарчи билан улағайди, турмушнинг серқирра қиллоналиғига узи бўлиб ёки билан қандайдир улуш қўйишга чоғланади.

Лобар ва Ерматнинг (уларнинг исминини шундай атамоқчиман) эр-хотин бўлиши ҳам тақдир азалдан эди. Ҳаёт уларни қай тарзда битта оилага масъул қилиб қўйганлиги маълум бўлмасда ҳар иккисини яқин 15 йилдирки жуда яхши таниймиз.

Лобар уз исмига яраша ҳушчироқ, ҳуш табассумли, илтифотли аёл. Унинг ҳуш қаддини қуриб ҳар ким ҳам қуз узмай қолиши мумкин.

Ҳа, Лобарганини шундай тавсифлашнинг узи етарлидир... Бироқ унинг аёллик латофатига йўғун тарзда қўли ширин ошпазу моҳир тикувчи эканлигини ёддан чиқариш мумкинми? Ҳамирдан қилинган барча ёғуликларга унинг қўли тегса мазали бўлибгина қолмай, бежирим ҳолга келишини айтмаски: ми? Лобосларнинг эр урф бўлганини тикиб, буй эган қизларнинг қувонтирадиган ҳунарини-чи... Бу фазилатлар етмаганидан яна ажирлиқ билан оиланинг даромадига эркаклардан ҳам баракайи улуш қўйишга интилишга келсак, унинг қайрату шижоатига албатта тасанно айтмай илжонимиз йўқ-да...

Оила даромади дегадга камбў молларни олиб, хизмат ҳақини устига қўйиб сотиб борадиган айрим аёллар қуз олдингизга келганми? Бундайлар ҳам мавақт бўлиб келган, лекин Лобарнинг улардан фарқланувчи томонлари ҳам бор. Лобар вақт-бевақт яқин хорижа сафарга отланиб қоларди. Унинг келишини биз аёллар жуда интиқ қутардик. Ахир уша ёқдан антика, яъни эндидага урф бўлаётган либосларни олиб келарди...

Лобарнинг шерик дўғоналари уларни уйма-уй сотиб юришарди. Айниқса, бу савдо-сотик бирон йил-гинларда амалга оширилганда бамисоли савдо ярмаркасини эслатарди. Нима ҳам деймиз, бундай «маросим»ларга қўнқимасдан ҳам бўларканми? Батзилар уша либослардан бир нечасини орузули уй билан сандиқларига ҳам солиб қўйишган эди. Бугунга келиб, фурсат утиб уша сандиқдаги «асир» либослар урф бўлмай қолдиби... Эҳ, бизлар, бизлар... Лобарнинг пулини қўпайишига уз ҳиссамизни қўйишга шошилган эканмиз-да...

Лобар узоқ қариндошга яшайдиган яқин хориж мамлакатидан узорқоққа қатнашини одат қилди. Яна либос деб аталмиш турли «майд-чўйда» моллар олиб келди. Бу галгиси калта шим, аини уғил болаларбон. Унинг катта уғли Қиличбек турли-туман калта шимларни кийиб, қўчага отланганда унга тегишдоқ болақайлар уйда ҳарҳақсини бошлаганда: «Ушадкайлар олиб берасиз, атиги 100 сум экан-ку?»

Ҳа, урф бўлаётган либосдан юз ўгириш қийин. Шундай қилиб яна Лобарнинг савдо-сотик «тегирмон»ига «сўв» қўя бошладик...

Ораддан қўп ўтмай Лобарни яна қўрмай қолдик. Навбатдаги сафарни Американинг қайсидагидир шаҳрига экан... Анча вақт — эҳтимом 5—6 ой давомида уша ёқларда қолиб кетди...

Энди Лобарнинг оиласи ҳуусида суз қотмоққа фурсат этди. Ермат қўнқимшидан ювоғиниға бўлса-да, далли девоналиғи билан машхур эди. У хурсанд бўлса ҳам, хафа бўлса ҳам «ювиш» маросимини ўтказиб турар, кейин анча-мунча тулолон чиқаришга ҳам устаси фаранг эди. Ҳовлида гоҳ-гоҳ катта «Камаз» юк машинаси пайдо бўлиб қолар, у пайтларда Лобар ҳам уйда бўларди. Кейин юк машинаси қўнқимай қолди. Ермат уй бегига айланди... Бу орада уларнинг фарзандлари ўтагга этди. Қиличбек кейин Шамсибек ака-укамас, даярли тенгшодларга ўсиб бора-ар, ун йилдан кейин улар ортидан Дурдона исмли қизалоқ сингиллари ҳам чоқлаб ўсиб буй қузарди...

Дурдона Лобарнинг қичик макетаси эди тўз, ҳақаси Лобарнинг болагинини эслаб тургандай бўларди... Айниқса, тўз-ҳашамларга борганда онаси қизчасини малиқалардай ёсантириб оларди, унинг айтганини муҳабб қиларди... Қўча-қўйда қўришганда ҳамма ҳавас билан нигоҳ ташлар, кимдир хўрсиниб қўярди.

Қўнлардан бир қўн ҳовлида тозалик ва ободонликка қаратилган мажлис ўтказилди. 3—4 йилли қизалоқ акасининг гапига қўнмай гашилик қилар, унинг алам-зада саркашлиғи барчаннинг эътиборини тортган эди.

Уй бошқармасидан келган вақил «кимнинг қизчаси бу, онаси қаерда» деб қизикди... Шу сузга махтал бўлгандай атрофда суқунат қўчди. Лобарнинг шерик дўғоналари ҳам лом-мим дея олишмас, юзларидан ҳа-во тирланиш аломатларини сезиш мумкин эди. Қизчанинг қўзларидидаги ёш шабнамдай қўтиб қолган, Мурғак қалбларига урнашган онасининг соғинчи уни шу қўйга солганди... Бўлмаса ҳамма вақт ширақайф бўлиб юрадиган отаси ҳам қизчасини эрқалатар, ақалари ҳам атрофида парвона бўлиб, қаровисиз қолдиримасди. Бироқ онасининг уринини ким ҳам боса оларди ахир?!

Онаси йўғида уларнинг қирларини ювиб берадиган, тилини тушуниб бўлмайдиган аллақандай аёлларни қўрди қизгина. Улардан ҳам дадасиникига ўхшаш ҳид ақиб турарди. Эрталаблари юквисиз қолган идиш-товолқар уюми ҳам қўзига галати қўнқиб кетарди.

Қўнлардан бир қўн аввал Лобар, кейин «Контейнер»да Лобарнинг моллари келди. Унга дастёр бўлиб қолган ўғиллари ердаямлашиб юборди.

Лобар қўп ўтмай «Отопар»дан узига «ишхона» ҳи-зирилб олди... Молларини уша йирик бозорда сотишга оdatланди...

Бу орада Ермат «ювиш» маросимини неча марта ўтказгандир? Оиласидидаги озми-қўпми хотиржаиликка ҳам совуқ кетгандай бўлди... Энг ёқини қизчасининг олдида Лобарни қўрақда турмайдиган сузалар билан ҳақоратлар, унинг ости-устун қилишга чоғланар эди. Лобар эрининг бу бадхўл оdatларини қўриб юрмаслиққа ҳаракат қилар, ун марта галирганда Лобар икки суз билан қиёғланади...

Кейин нима бўлди-ку, Ермат қўнқимай қолди. Лобар унинг тулолонларига яраша сўнги сузини айтган-дир балки...

Яқинда кимдир Ерматни қўрганини айтиб қолди. Онаси углини иккинчи марта уйлантирганмиз. Янги оиласидан Ермат ҳозирча мамнуи экан. «Хотиржам яшаш ҳам мумкин экан-ку бу дунёда», — деб аввалги ҳаётдан нолиб, қўл сийтаганимиз. «Болаларингиз-чи, улардан ҳабар олиш ҳавлингизга келмаптими?» — сурабди эски маҳаллардими. Бироқ бу саволига ҳеч қандай жавоб топа олмабди...

Ана шунақа, билибми, билмайми «оила» деган қасрининг устунлари айри-айри ёқда бўлган кез фожиа руй берар экан, бундай қўнғил вайрончилиғига ташланган биринчи қадамни дастлаб ким ташлаган экан, деб ўйлаб қоламиз...

Аёл юрган йўллари... Унинг пасту баланди, қоронғу, ёруғлиғи ёлғиз ҳаққа аён...

Шу пайтда ҳофизининг наъравор қўшғи аввал эмас, кейин барабж эшитилгандай бўлади:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон.

Шул ширин ёлгонга лекин алданиб қолгон ёмон.

Ҳа, нимасини айтасиз, ширин ёлгонларга банди бўлганлар нималарга эришиб, нималарнидир йўқотарди.

Лобар нималарга эришди? Уни ҳаволантирган пулнинг қучи, рўйсифат елғуғичими, қўша-қўша енгил машиналарга эга бўлиш орузими? У нима учун елиб-юғурди. Унинг ҳатоси оиласи фойз-тароватини иккинчи даражага қўйиб қўйганидими?

... Ҳар тонг хўроз қичқирмасдан ўзи танлаган иш-хонага отланган аёлнинг ҳушқаддини ортидан қўзатар эканмиз, уни таниймиз. Ҳа, у Лобар. Унинг ёнида иккинчи уғли Шамсибек бор... Уйда катта уғил ва қизчаси қолади. Қизчаси боғчага ҳам қатнаб турарди. Болалар энди фақат онанинг қарамоғида, дадаларини қўришмади.

Лобарнинг ёшлиғи, ҳўсн-малоҳати сўниб, ўзи ҳам қуватсизланиб бораётганини сезамиз, сулин-кираган юзига шафқат билан қараб қўямиз. Лекин ачинганимизни сездирмаймиз.

Лобар энди узига ачинмай қўйган, сузлари қатъий, қадамлари тезкор. Унинг зиммасига уч фарзандини қамолотга етказиш заҳмати ортилган...

Насибабиди ОЧИЛ ҚИЗИ

ТАХРИРИЯТДАН: Ўзига хос тарзда ёритилган бу воқеадан нималарни аниқлагингиз, азиз газетон! Қўнғингиздан қандай ун-кечинималар кечди, қандай ҳулоса чиқардингиз? Ёзиб юборасиз деб умид қиламиз.

ОТА ИБРАТИДА ГАП ҚўП

Тошкентдаги 1-шаҳар клиник касалхонасининг булим мудирини, тиббиёт фанлари номзоди Тельман Убайдуллаевич Пирназаров билан суҳбатимиз оилада отанинг урини, фарзандлар тарбияси каби масалалар атрофида борди.

— Тельман Убайдуллаевич, айтинг-чи, оилада фарзандлар қўпроқ кимнинг тарбиясида бўлгани дурустроқ?

— Ота — оиланинг подшоҳи, дейишади. Фарзандлар тарбиясида отанинг роли бениҳоя каттадир. Ота тарбиясини олган фарзандлар ҳаётга теранроқ, қўчурроқ назар ташлашади. Кейинги пайтда эркаклар ўш билан машғул бўлиб, фарзандлар тарбияси қўпроқ аёллар зиммасида қолаётир. Бироқ шундай бўлса-да, оилада отанинг урини аққол қўзга ташланмай туриши лозим. У эркак бўлгани учунгина эмас, у оила бошлиғи сифатида ҳам оиланинг иқтисодий таъминоти билан бирга тарбиясига ҳам тўла жавобгардир.

— Маълумки, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида фарзандларни тўла-тўқис қилиб тарбиялаш ҳам қийин муаммоларга айланиб бормоқда. Дўхтир сифатида айтинг-чи, оилада фарзанд нечта бўлгани яхши? Ўз оилангизда ахвол қандай?

— Бу савол мен учун бироз қийин ва мураккаб. Чунки оилада фарзанднинг нечта бўлиши уша оиланинг узига, моддий таъминотиға боғлиқ. Менга қолса фарзандларнинг қўпи яхши. Лекин, ҳар ким қўрпасига қараб оёқ узатгани маъқул. Биз оиламизда 4 нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказдик. Ҳаммалари олий маълумотли — икки уғлим жарроҳ, катта уғлим муҳандис, қизим ўқитувчи бўлиб ишлашади. Беш нафар неваранинг бобосиман.

— Ўзингиз серфарзанд оилада ўсган-мисиз ёки...

— Биз оилада 10 нафар фарзанд эдик. Барчамиз олий маълумот олганмиз. Албатта қийинчиликлар бўлган. Ака-укалар орасида фан номзодларидан тортиб, мансабдор шахсларгача бор. Барча ака-укалар ҳаётда уз ўрнимизни топиб, обрў-эътиборга сазовор бўлиб юрибмиз.

— Тельман Убайдуллаевич, айтинг-чи, отангизни ҳурматли, одамоҳун, ажойиб бир инсон бўлган дейишади. Шу ростми?

— Баҳонидил. Мақтанишга йўқман-ку, отамиз Убайдулла Пирназаров ҳақиқатан ҳам туғрисуз, қалол, пок бир инсон эдилар. Биз фарзандларига бировнинг ҳақиға хиёнат қилма, ёлгон гапирма, бировнинг қўнғилини беҳўда ранжитма, деб насихат қилиб тарбиялаганлар. У киши Сайрамда урта мактаб директори, кейинчалик эса қолхоз бўлиб қолди. Ҳозир Сайрам тумани Қорамурт қишлоғидаги урта мактаб отамиз номида. Уйимизда ортиқча нарсамиз йўқ эди. Халқ қатори яшардик. Шунинг учун бўлса керак, отамизни ҳозир ҳам яхшилик билан эслашади. Инсондан яхши ном қолиши керак экан-да.

ИЗЗАТ АҲМЕДОВ
суҳбатлашди

(Боши утган сонда)

Касалхонани суриштириб топиб бордим. Ботирни операция конасига олиб кириб кетишган экан. Онаси мени куриб хунграб йиглаб юборди. — Кел, ўғлим, сен Ботирнинг ҳақиқий дусту экансан. Билмадим, қайси ярамаснинг қасди бор экан ўғлимда. Аввал телефонда пуписа қилди. Кейин эса... — Онанинг гаплари ичида қолди. У хунграб-хунграб йигларди. Мен шу дамда нима қилишимни билмас эдим. Кўзим бир чеккада йиглаб турган Моникага тушди. Олдига бориб сурадим. — Моника, манга тушунтиргин, нима бўлди, узи?

— Акам бир қизни яхши кураб эди. Акам у қиз билан эндиғина уч марта учрашган эди. Лекин, у қизни бошқа йигит ҳам яхши кураб экан. У йигит Ботирга куп пуписа қилди. Лекин Ботир у қизни ташлаб кетмади. Кейин йигит акамга кўнгирак қилиб, яхшилиқча қиздан кечасан, йўкса ҳолингга маймунлар йиглайди, — деди. Акам кўнмагач, улар акамни разборга чақирди. Мен қанча борманг, деб ялинсам ҳам чиқиб кетди. Ҳама айб менда, мен уни олиб қолишим мумкин эди, — деб йиглаб юборди.

Афсуски, Ботирнинг ҳаётини сақлаб қололмадик. У куп қон йўқотган экан. Менга жуда алам қилди. Шу дамда мен уша аблаҳ, зувон йигитлардан уч олгим келди.

— Моника сиз йигламанг, — дедим. Лекин узимнинг кузимдан оқаётган ёшни тўхтатолмасдим.

ҲАЁТ

— Мен у ифлослардан Ботирни учини оламан. Уч олмагунимча кўнглим ўрнига тушмайди, — дедимда Ботирнинг онасига юзландим: — Холажон, куп кўнаверманг. Мен албатта улардан ў-

сезилиб турарди. Ўз жигарпорасидан айрилиш қанчалар огир ва аянчли эканини шунда тушуниб етдим. Мен ҳақиқий дустимдан айрилиб қолдим. Энди уни ҳаётга қайтаришининг илоҳи йўқ эди.

— Ўғлим ваъда бер, улар билан ўлакишмайман, деб жон болам, ваъда бер, — дедилар Ботирнинг онаси.

— Хўп, хола, ваъда бера-

ДАВОМ ЭТАР,

лингизнинг қасдини оламан, — дедим.

— Йўқ, йўқ болам, ундай дема. Улар сениям бир нарса қилиб қуйишлари мумкин. Сен ҳам ўз ўғлимдай бўлиб қолдинг. Ботиримдан айрилганим етмагандай,

ман...

Шундай қилиб Ботирни тупроққа қуйдик. Битта мен эмас, курсдош йигитларнинг ҳаммаси жанозага келдилар.

Бир куни уйларига кўнгирак қилиб ҳол-аҳвол сура-

ТАКРОР ВА ТАКРОР...

сендан ҳам айрилиб қолишдан қўрқаман. Жон болам бу шахингдан қайт, уларни худдонинг ўзи жазоласин. Энди уларни худгога топширдим. Дилшод болам, улар билан ўлакишмайман, деб ваъда бер, — дедилар. Мен аламдан баттар йиглай бошладим.

— Ўғлим, йигит кишига йиглаш ярашмайди. Ўғил бола ҳар нарасага чидамли бўлиши керак, — деди Ботирнинг отаси қулида аллақачон энди Ботир учун кераги йўқ булган қимматбахори-дармонларни ушлаб тураркан. Уни кузидан алам-

дим. Ботирни онаси менга: «Ўғлим, тез-тез келиб тур. Бунча йўқ бўлиб кетдинг? — дедилар. Ҳа, борамаман холажон, албатта бориб тураман», — дедим.

Улар: — «Сени курсам ўғлини кўргандай бўламан», — дедилар. Уларникига тез-тез бориб турадиган бўлдим. Қўз кўнларининг бирида менга ҳарбий хизматга чақирув қоғози келди. Мен уларникига хайрлашганим бордин. Улар мени ўз ўғилларини кузатаётгандай йиглашар эди. «Ҳозир Ботирим булганда уни ҳам ҳарбий хизматга кузатар эдик», — деди отаси. Кузатув кеча-

си улар ҳам бизникига меҳмон бўлиб келишди. Секин онамни олдимга чақириб, «Дустим Ботирнинг ота-онаси булар», — дедим. Онам яқин сирдошим булгани учун унга Моника ҳақида гапириб бердим. Хуллас, улар мени қариндош-уруғлар, ота-онам қаторида, куз-да ёш билан кузатиб қилишди. Тез-тез хат ёзишиб турдик. Лекин бир куни ноҳус хабар ёзилган мактуб келди. Мониканинг отаси Ботирнинг қуйида ёниб, эзилиб, дардага чалиниб қолди. Анчагача тушакка михланиб ётиб охири ҳаётдан куз юмибди. Кейинги мактубда эса Моникани ёзишча, уйимиздагилар бизни унаштириб қуйишибди. Мен қаттиқ тўйимизни қилишар экан. Мен бу гапдан жуда хурсанд бўлдим.

Хуллас, ҳарбий хизматдан қайтдим. Уч ой ичида тўйимиз бўлиб ўтди. Биз бахтли эдик.

Бу воқеага ҳам олти йил

лишларини истайман.

Менинг бахтимни топишмга сабабчи булган, менга ёрдам бериб бахтиёр қилган инсон — дустим Ботирни бир умр дуо қиламан. «Жойинг жаннатдаю, охиратинг обод бўлсин, дустим»...

ҲАҚИҚИЙ

ХОЯТИР-АСИРА

Кечаги кўннинг, сен айлагил ёд,
Эртанг келмай туриб қилмагил фарёд.
Уттанлар қайтмайди, кўз ёш бефойда.
Бардам бўл, умрингни қилмагил барбод.
Ҳаёт давом этар тақрор ва тақрор
Дустим каби утар ҳамма оламдан.
Порлоқ ҳаётимдан ўргилай минг бор,
Умидим каттадир шу уч боламдан.
Бир умр ёнимда гўзал ёрим бор,
Ва дустимдан ёдгорлик «Ботир» ўғлим бор.

Дустим, кетдинг бу дунёдан,
Сен яқинсан Эгамга.
Сени курсам тушимда, Шу малҳамдир ярамга.
Мен бир умр эслаб юрай,
Ботир дустим юзингни. Хеч нарасадан ҳайиқмасдан,
Чақнаб турган кўзингни. Сингилгининг хафа қилмай,
Доим юргум измингда. Сен безовта бўлма,
Дустим, Тинч ором ол қабрингда.
Дилшодбек Ж. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Бу мақоланинг менга таъсир қилиши бежиз эмас, тўғриси гапни нимадан бошлашни билмай турибман. Аслида бу мақолани таҳлил қилмоқчи эмасман. Лекин бу синглимга жуда қийинлигини, ҳаётнинг энг аччиқ ме-валаридан топиб куриб пушаймон бўлаётганини тушуниб турибман, аммо...

Мени кечиринг синглим, аммо ҳар доим ҳам айб йисгиларда дея олмайман, мен бунчи бошқа маънода айтаялман... Келинг яхшилаб ҳаммасини бир бошдан гапириб бера қол-лай, нимаики булган бўлса ҳаммасини, токи ҳамма инсонлар менинг бошимга тушган ишларни бор ҳақиқатча қилиб олиб, уларни тегишлича хулоса чиқариб олишсин!

Менинг исимим Садриддин, асли бошқа республикаданман. Бундан ярим йил олдин ишлаш учун Тошкентга — амакчимникига келдим. Бу ерда туриб бозорда савдо қила бошладим. Бир ойлардан кейин эрта сажарда бозорда молимин ёйиб турган эдим, бир қиз келиб ёнимдагилардан кимнидир суради. Бу уша ақлимини уғирлаган, ҳаловатимдан айирган, мени не қўйларга солган севгили Ҳафиза эди. У менга бир қараб қуйди-ю, ҳақиқи одамнинг жавобини эшитар-эшитмас охишга юриб қайтиб кетди. Уша кўндан бошлаб вужудим олов бўлиб ёна бошлади, тунлари батамом уйқудан айрилдим, муҳаббат ҳисси кўндан-кўнга қалбимдаги оловни қучайтира борди. Ҳа, мен қаттиқ севиб қолган эдим, жуда ҳам қаттиқ. Бу муҳаббатимни тасаввур қилиш, суз билан ифодалаш жуда ҳам мушкул.

Бир куни бозордан кела туриб жуда ҳам таниш нигоҳга кузим тушиб қолди. Бу нигоҳдан юрагим жижиллаб кетди. Бу уша нигоҳ эди. Ҳа худди уша нигоҳ. Узини кўрғача жой тополмай қолдим, танамни қандайдир аламага қўлаб олгандай эди.

Кечки нонуштага утира туриб келиноним: — «Қўшнимизникига укаси

ЁҚИБ ТАШЛАНГ, СИЗГА ЁЗГАН МАКТУБЛАРИМ...

«УНИНГ ТҮЙИ ТЕЗРОҚ ЎТСАЙДИ» 46-сон

турмуш уртоғи ва синглиси билан қучиб келибди», — деб қолди ва синглисининг исми Ҳафиза эканлигини айтди. Агар билсангиз эди уша пайтдаги қувончмни, елкамдан катта бир тоғ қулгандай бўлиб узимни жуда ҳам ён-гил, гудак каби хурсанд ҳис қилган эдим.

Ҳар куни бозордан қайтишимда у дарвоза олдидаги ўтиргичда ўтирар эди. Мен унинг олдиндан узимни ноқулай ҳис этиб утар эдим. Қисқаси мен бир нима сезгандай бўлиб юрдим, устига устак, унинг икки янгаси ҳам менга қараб маъноли қулиб қўядиган бўлди.

Бир куни нима бўлдию бозорга чиқмадим. Акамнинг эшигининг олдида узимча укамнинг «тетри»сини уйнаб ўтирувдим. У жиянчасини, яъни акасининг қизчасини кўтариб чиқиб қолди ва ўз-ўзидан мен томон кела бошлади. Мен унга аҳамият бермагандек уйнаб ўтираввердим. Аслида эса узимни ноқулай сезиб, юрагим ҳовлиқиб ўтирардим. У менинг тепамга келиб томоша қилиб турди. Мен унга беҳосдан — «Тушуняспизми?» — деб юбордим. У эса менга — «Йўқ» деб жавоб қайтарди. Мен унга узимча тушунтира кетдим. Шундай қилиб бизнинг илк суҳбатимиз бошланиб кетди ва суҳбат чоғида ундан исмини сурадим. У менга жилмайибгина (уша юрагини урта-гўви) исмини айтди. Мен бу исмин олдиндан билсам-да, энди эшитаётгандай қилиб қуйдим.

Кўнлар кетидан кўнлар кела бошла-

ди, биз бир-биримизни кўрганимизда саломлашиб қўяр эдик. Бир куни ундан қўши жойини сураган эдим, у жилмайибгина — «Нима қиласиз?» — деди. Мен шунчаки сураганимни айтдим ва библи олганимдан кейин, уни учрашувга таклиф қилдим. У эса ийманибгина рози бўлди.

Шундай қилиб биринчи учрашувимизда биз яқиндан танишиб олдик. У Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидан бўлиб, Тошкент педагогика билим-гоҳларининг бирида тахсил олаётган экан.

Яна бир ҳафталардан сўнг эса мен севиғи изҳоримни хат орқали баён этдим ва жавобини сабрсизлик билан кутдим. Жавоб ҳам олдим. Бу мактубни ўқиганимдан кейин тасаввур қиласизми узимни бу оламда мендан зиёд бахтиёр одам йўқдай ҳис этдим.

Шундай қилиб бизнинг муҳаббатимиз айни баҳорда, табиат гўрқираб яшнай бошлаган чоғида бошланди. Биз ҳар ҳафта, ҳатто ҳар икки-уч кунда учрашиб турадиган бўлдик.

У бу вақтлар орасида мени бир қанча синовлардан ўтказди. Сўнг менга қаттиқ ишониб қолди. Биз ахду паймон қилдик. Бир-биримиздан юракдан отилиб қийқатган энг ширин тўйғунни яшира олмас эдик. Бир-биримизга жуда ҳам қаттиқ боғланиб қолган эдик.

Бир куни қандайдир ноқулай ҳолатда юрагинимни сезиб юрган акам мендан: «Тинчликми, нима бўлди сенга?

Акс садо

Жуда ҳам узгайиб қолдинг», — деб сураб қолди. Мен аввалига тортиндим, кейин юрагимдаги бор гапни айтиб бердим. Мени биринчи бўлиб тушунган одам акам бўлди ва «Ўқсинма укажоним, мен ҳаммасини тушунаман, айтиб яхши қилдинг, мен акаси билан узим гаплашаман», — деди ва шундай ҳам қилди, лекин...

Унинг акаси: «Биз синглимизни узоққа бера олмаймиз. Устига-устак сизлар бошқа республикадансизлар, бу нараса ҳеч ҳам бўлмайдиган нараса», — деган рад жавобини берибди. Йўқ, биз иккалаимиз ҳам бу жавобдан узимизни йўқотиб қўйганимиз йўқ. Вазият шу нарасага бориб тақалдики, унинг акаси билан ҳатто узим ҳам гаплашдим, лекин қанча тушунтиришга уринмай у тушунишни хошламади.

Мен Ҳафизага бўлиб утган гапларни айтдим, у аччиқ қилиб: «Баски, мени акамлар тушунишни истамас экан, мен ҳам уларнинг гапига қирмайман, хафа бўлманг», — деб менинг кўнглимни кўтариб юпатиб қуйди.

Биз бу гапларга аҳамият бермай иккалаимиз ҳам бир-биримизни бир кун кўрмасак туролмайдиган бўлиб қолдик.

Ҳар уйга бориб келишимиз у менга: «Жоним, сизни интизорлик билан кутаман, тезроқ келинг», — деб кузатиб қолар эди.

Бу нарсаларни эшитган менинг уйимдагилар мени қайтармоқчи бўлишди. Лекин мен ўз сўзимда қатъий туриб олганим ва кенжа ўғил бўлганим учун, райимни қайтара олишмади ва осонгина рози бўлиб қўя қилишди.

(Давоми бор)

Садриддин, Тошкент

Дил изхорини ўқидиму ниҳоятда таъсирландим. Марварид билан жуда танишим, дардлашим келди. Эҳ, дугонажоним-а. Менинг юрагимни куйдириб ётган аламларни, дардларни тукиб солибсан-а. Менинг ҳам ёшим 28 да, тақдиримиз нақадар ухшаш экан. Таваб, одамзод бир-бирини танимаса, билмаса ҳам қисмати ухшаш бўлаверар экан. Нимасини айтмай, болаликда одам еттинчи осмонда учиб юрар экан. Мени ҳам юксак орзулар поитхат етаклаганди, олийгоҳни тугатдим, ишга жойлашдим, қанчалар бахтли эдим. Лекин, вақт ўтгач, билдимки, менинг бахт деб ўйлаганим нисбий маънода экан. Аёл бахти оиласи, бола-чақаси экан. Гоҳида пушаймон бўлам. Мен ҳам бошқалар қатори

гитлар ҳеч дидимга ўтиришмади. Озгина дидимга ўтиришганлари эса менга эътибор қилишмайди. Марварид жуда тўғри айтган, айрим йигитлар (баъзида билалар ҳам) ёши ўтиб қолаётган қизларни нотўғри тушунишади, ёмон ўйларга бошлamoқчи бўладилар. Шунда жудам дилинг оғрийди одам, нафсониятингга тегади, хафа бўлиб кетасан. Наҳот йигитлар, эркаклар шунақа бебурд, бевафо, номард бўлиб кетган, деб... Кейин кимга ишонишингни, уз бахтингни кимдан топа олишингни ўйлаб қоласан. Шу тариқа яна кунлар, ойлار ўтаверади, ўтаверади... Мен агарда ўзимга муносиб соф кунгил, меҳрибон, ҳуллас, яхши бир инсон учраса, шу инсон учун ҳатто севган кас-

ОДОБ ДОИРАСИДА БЎЛСИН

«КУЁВ ЧИМИЛДИККА КИРМАДИ» 45-сон

Бу мақолани ўқиб икки ёшнинг бахти барбод бўлганига, йиллаб топганларини тўплаб тугиб, не-не орзулар билан тўй-томоша қилиб, меҳнатлари азиятга айланган оналар ҳолига дил-дилимдан ачиндим.

Карангки, элимиз удумларини эъзозлаш, улардан уринчи фойдаланиш ҳақида гап бораётган ҳозирги дамларда, ўзичалик билангонлик қилиб куёв боланинг нафсониятига тегадиган «лапарчи» ёш жувонлар «ҳазил» лапарлари билан ҳамма-ҳамманинг дил орзусини яқсон қилди.

Ўша «лапар»чилардан бирининг беҳаёлик билан «Агар 2 минг бермасангиз куёв бола «ўғил» бола эмас экан, деймиз», — дейиши туйхонани азага айлантдириб, куёвнинг чимилдикдан чиқиб кетишига сабабчи бўлибди. Зотан, бунда ота-оналарда ҳам, келин болада ҳам заррача дил йўқлиги аниқ куришиб турибди. Бас шундай экан, куёвнинг обрусини тукадиган «лапарчи»лар дипломатия билан қўпчиликнинг лаънатига лойиқдир.

Тўй маросимларида келинникига бориш, келин томондагилар келганида кутиб олиш пайтидаги йигит-қизларнинг айтишмалари мазмунли жиҳатидан дилларни яйратадиган, келин-куёв меҳрини бир-бирига чамбарчас боғлашга ёрдам берадиган таҳлитда бўларди.

Ўзбекистонимизнинг барча туманларида тўй тантаналари ўзига хос турлича ўтказилади. Фаргона, Маргилондаги қариндош-уруғларимизнинг тўй маросимларида бир неча бор қатнашганман. Ушанда ёш йигит-қизларнинг аjoyиб айтишмаларидан дилларимиз яйраганди. Лапарда ҳақоратли ибораларни қўллаш тўй қўркини бузади, мақолада ёзилгандек, кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Тўйларда удум экан деб, одоб доирасидан чиқмаслик керак.

Дейлик, куёвнинг зарбоф чопонини куёв журага беришда пул талаб қилинади, яъни чопонни сотиб олиши керак эмиш. Биздан берилган пулни олмай, савдолашиб бачкана ҳаракат қилинади.

Яқинда бир ниҳоят тўйида чопон учун пул сурашса, куёвжура: «Хозир сизларни хурсанд қиламан, — деб чопонни олиб куёв утирган уйга кириб кетиб, бир оз вақт ўтгач, бир патнис пул кутариб чиқди, бу халпана пул бўлиб, уни: «Бизнинг маҳаллада шундай одат бор!» — деб тун эгасига узатади. Мен ҳайрон қолдим, чунки бу янги чиқарилган «удум». Ана шундай масалаларни ҳар қайси маҳалла жамоаси муҳокама қилиб, бир тухтамга келтириб, ярашиқли удумларнигина қўллашга тавсия этилса кўнгилдагидек бўлурди.

Анипа Ҳасан қизи,
меҳнат фахрийси

ЯРАТГАНДАН БАХТ СЎРАЙМАН

«Бор эдим мен дунёда, борлигимни билмадим», 47-сон

2-3 боланинг онаси қайсидир оиланинг суюкли келини бўлиб, бир йигитнинг азири бўлиб юрар эдим-ку, нимагаям кирдим шу ўқишга, дейман. Аммо касбимни севаман, санъатсиз ўлиб қолсам керак. Одамлар гоҳида бизнинг касбдагиларни бошқачарoқ тушунишади, чунки актрисаман. Саҳнада бахтли қизман, саҳнада бахтли келинчақман, саҳнада мунис онаман. Ҳаётда эса оддий, маъсум, қушлари ишончу шодлиқни йўқотган, шошқин умр дарёсида оқиб кетаётган, уни ўзи бошқариш қийин эканлигини англагунча нана кеч билган бир содда инсонман. Ҳа, умр оқар сув экан, куз очиб юмгунча ойллар, йиллар ўтавераркан. Сизларга минг ташаккур, биздек ташна кўнгилларга, яъни ёши ўзи ҳам билмай туриб, ўтиб қолган қизларга ҳамдард бўлганингиз учун, уларнинг сузларини тинглаганингиз учун. Дунё нега бунча экан-а, сен кимгадир зор, кимдир сенга зор. Менга оғиз солган йи-

бимдан ҳам воз кечиб оила қуришга қарор қилдим (агар у бу касбимда ишлашмани хоҳламаса). Мен оилани бўлиб ҳам жамият учун керакли бўлиб қолавераманку, деган фикрдаман. Ҳозир шу ўтиб кетган «Оила йили»да турмуш қўрмоқчи эдим. Лекин, худонинг хоҳлагани бўлар экан, орзуми ушалмади. Ҳурматли Президентимиз Исроҳ Каримов ушбу келатган 1999 йили «АЁЛЛАР ЙИЛИ» деб атадилар. Илоҳим бу йил бутун дунёдаги аёлларга бахт келтирсин, шу жумладан менга ҳам бахту омад насиб этишини жуда-жуда хоҳлардим.

Йиллар ўтар чизик тортиб юзларимга,
Ғанимларим чоҳлар қазир изларимга,
Дунё ҳам тор бўлар, баъзан кўзларимга,
Яратганим мен сендан бахт сўрайман.

З.

Тошкент

КУЁВЛАРГА ҲАМ СУҲБАТ ЗАРУР

Ҳа, Басирахон синглим. Сиз уз мақолангизда жудам тўғри фикр айтибсиз. Келинлик либосини кийиш арафасида турган қизлар би-нча оила сабоқлари ҳақида суҳбатла-шиш зарур бўлса, бўлажак куёв-лар билан ҳам шу ҳақда суҳбатла-шиш ундан ҳам зарурдир.

Яратганинг ўзи асрасин-у, халқ орасида «Келининг кофир бўлса ҳам, ўглинг мусулмон бўлсин», деган гап юради. Бу — ўглинг инсофли, тарбияли бўлса, келинини аста-секин йўлга солиб оларсан, деганлари бўлса керак.

Демак, ўғил туққан оналар, диққат қилинг! Сиз келин туширишдан аввал ўғлингизни ёнингизга ўтқазиб, яхшилаб суҳбатлашиб олинг. Вақт топинг! Бу суҳбат ҳар қандай ноёб саруподан ҳам, даб-дабали тўйдан ҳам муҳимроқдир. Масалан, шундай суҳбат:

— Эрта-индин уйимизга биронинг фарзанди-келин кириб келади, жон болам. Яхши гапирсак, билмаганини аста-секин тушунтирсак, ўргатсак, келин тезда оила-миш шарт-шароитига қуниқиб кети-ши мушк. Мени қандай ҳурмат қилсанг-келинни ҳам шундай ҳур-мат қил, болам. Мабоодо мендан бирон нотўғри гап ўтса, ё англа-шилмовчилик рўй берса, асло кели-нини олдида менга ё даданга, ука-сингилларингга танбех берма. Ёлғиз қолганимизда аста айт. Чунки келиннинг олдида бизга тўй қарасанг борми, кейин у ҳам асти бизни ҳурмат қилмай қўяди. Агар мен келинга иш ўргатиб, на-сиҳат қилсам-сен орага тўшма,

«ХОТИНИМНИНГ ОНАСИ-КАЙНОНАМ» 42-сон

ёнини олма, ҳўпми?

Келин ота-онасиникига ё бирон дугонасиникига бормоқчи бўлса, сендан изн сўраса, «Аям билан мас-лаҳатлашайлик-чи», дейишни ўрган, жон болам.

Келиннинг ота-онаси энди сенинг ҳам ота-онанг! Сен уларни қанчалар кўп ҳурмат қилсанг, қурганда иззатларини жойига қўйсанг, сенга келиннинг меҳри ошади. Кайнона-кайнотанг эса сени сийлаб, уйлари-нинг тўрига ўтқазишади, ҳурмат қилишади. Улар олдида ҳеч қачон куёвлик обрўйингни туширмай, рисоладагидек муомила қил. Ахир энди бир умр уларнинг фарзанди—сенинг умр йўлдошинг.

Аёл кишига қўл кутариш номарднинг иши. Агар келин нотўғри гап айтса ё бирон йўмушни вақтида ба-жармаса—ўзининг босиб, инсофга қақир. Жуда бўлмаганда менга қўйиб бер, ётиги билан ўзим ту-шунтираман.

Болам, яхшилаб қўлогингга қўйиб ол, аёл кишининг кўнгли гулдек но-зик бўлади. Уйини тоза тутса, яхши дазмол қилса, мазали таом тайёр-ласа—сен унинг ишларига эътибор бериб, бир оғиз мактаб қўй. Байрамларда, таваллуд кунларида икки оғиз илиқ сунгунг кичкинаги-на бўлса-да, совгангни аяма. Ҳул-лас, ўғлим энди сен иродали, муло-ҳазали, ақлли йигит бўл. Нимаики қилмоқчи, айтмоқчи бўлсанг—аввал албатта ўйлаб кўр, ҳўпми...

Хуллас, онажонлар, шунга ўхшаш

насиҳатлар билан ўғлингизнинг қузини очиб, оилавий ҳаётга тайёрланг. Ва тўйдан кейин кели-нини ҳам ёнингизга ўтқазиб, ўз иш тутишларингиз, оилангизнинг тартиб-қоидалари, келиннинг эр-та билан қай вақт туриши жоиз-лиги ҳақида суҳбатлашиб олсан-гиз — нур устига аъло нур бўла-ди. Акс ҳолда дугонан Саврихон-га ўхшаб афсус чекасиз. У ўғли ва келини билан тўйгача ва тўйдан кейин ҳам суҳбатлашиб олмаган экан-да.

Бир кун ишдан келса, ўғли билан келини йўқ. Кечки таом ҳам қилинмаган. Ҳайрон бўлиб, ўзи уннайди. Кеч киради. Шом, ҳуф-тон бўлади. Хавотирга тушиб, қат-тиқ безовталанади, онаизор. Соат тунги ўн иккиларда ўғли билан кели-ни «курсдошимизнинг тўйидан келяпмиз», деб келишганда она ичида ҳайрият-е, деб шукр қила-ди-ю, сиртида уларни бироз қийийди. «Бир оғиз сураб кейин бориш керак эди, болаларим», деса, келиндан олдин ўғли: «Ёш бола эмасмиз-ку, сиздан сураб бирор ёққа борсак!» — деб ови-зини баланлатди.

Ана энди Саврихоннинг аҳоли-ни ўзингиз тасаввур қилаверинг...

Хуллас калом, биз ота-оналар ҳар қадамда, ҳа, ҳар бир қадам-да фарзандлар тарбияси билан шугулланишимиз ва бу соҳада ҳамиша оғоҳ бўлиб, хатонинг ол-дини олишимиз зарур экан. Акс ҳолда сунгги пушаймон-ўзингга душман, деганлари рост...

Санъат МАҲМУДОВА

ЮРТДОШЛАРИМДАН НАЖОТ КУТАМАН

Тақдир тақозоси билан мен бугун тирик мурдаман. Улик бўлиб гурда йўқ, тирик бўлиб ерда йўқ, деган мақолни эшитсангиз, мени куз ўнгингизга келтираверинг. Чунки 14 ёшимда 1993 йили эҳтиёт-сизлик тўғрисида оғир милтиги билан ўзини жароҳатлаб қўйдим. Натижа-да пастки жағ суюқларим парчала-ниб, синиб, тишларим тўкилиб кет-ди. Шифокорлар травматик қарақ-ликнинг III-IV — даражаси, камқон-ликнинг II-III — даражаси деб тахдис қўйишган.

Қарийб 6 йилдирки, мен одам-ларга ўхшаб овқатланиш, гапирш-дан маҳрумман. Бу йиллар ораси-да тортмаган азобим қолмади. Тош-кентда операция қилиб, қовурган-

Дил изхори

дан кесиб, жағимга қўйишмоқчи бў-лишди. Лекин, операция муваффа-қиятсиз чиқди.

Менга айтишларича, дардимга факат АКШ даги клиникаларда ши-фо топса бўларкан. Лекин бунинг учун жуда катта маблағ керак ва менинг бунга қўлим қалталак қила-ди. Дадам оламдан ўтганлар. Онам эса 8 болага ҳам ота, ҳам она. Ме-нини аҳолиимни қўриб эзилгани-эзилган.

Мен атиги 19 ёшга кирдим, хо-лос. Ҳали умрим узоққа ўхшайди. Ҳаёт барибир ширин. Лекин бу ах-волда яшагандан кура...

Илтимос, менга ёрдам беринг. Юртимизда қанчадан-қанча бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қи-лаётган, фаолияти гўриқарб ривож-ланаётган фирмалар, ўз меҳнати билан кўт-барақа топаётган инсон-лар борлигини эшитаман, бундан қувонаман.

Мен бугун хайрия жамғармалари-нинг, саҳаватпеша юртдошларимни-нг ҳимматига жуда-жуда муҳтожман. Тўзалиб кетсам она юртим, халқим учун сунгги нафасимгача хизмат қи-лардим.

Толиб Давронов,
Қашқадарь вилояти Китоб
тумани, Башир қишлоғи

Табриклаймиз!

Хурматли

НАИМАХОН!

23 декабрь-туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Кунглингиз доимо шодликка тўлсин, деб

Курсдошингиз Расулбек



Хурматли СУЛУПОНОВ

Бахтиёр!

Сизни 26 декабрь-таваллуд кунингиз билан қўтлаймиз. Уқини ва ишларингизда омад тилаймиз.

Онангиз Гулнора, ойиларингиз Бахтигул, Машхура.

Азиз ҳамкасбимиз
Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ!

Сизни 24 декабрь — таваллуд айёмингиз-ла чин дилдан қўтлаймиз! Оилангизда ҳамisha тинч-тотувлик, туқинлик бўлсин. Сизга соғлик, узоқ умр, оилавий бахт, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар муҳандислар коллектори корхонасининг «Марказ-14» — бўлимидаги ҳамкасбларингиз.

ЭЪЛОН

Ҳамза тумани, Кадишев бозори ёнидаги 5 хонали квартира

СОТИЛАДИ:

Мурожаат учун телефон: 94-34-69

«ДИЛОРОМ» ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Зардушлик — Бухорча.
2. Биш-тиқиш, моделлаштириш.
3. Компьютер билимлари.
4. Бухгалтерия.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

3 ойлик курсларга.

1. Бошловчилар учун.
2. Давом эттирувчилар учун.

Манзил: Муртазоева-40.

Мўлжал — кинотеатр «Қозоғистон».

Тел: 34-15-59 58-48-50

СОҒИНҒИ АРМОНИ

Кайнонам Чиннигул Соли кизларига хурмат билан бағишлайман.

Она, кипригимда ёшларим эмас. Соғинчим турарлар титраб, илиниб. Кунлар ҳам буй чўзиб қолгани сайин, Қадрингиз тобора борар билиниб. Тушда юзингизга юзимни босиб, Ҳадеб дер эмишман, бийи, мен келдим. Диллар дийдорига тополмай чора, Хаёлан сиз томон югурдим, елдим. Бир бора кунглингиз олмақлик учун, Бўйтумор бўлайми бўйларингизга. Билиммасин, дея менинг ўринимни, Замин гул узатар қўлларингизга. Олпоқ сочингизни ҳидлаган еллар, Келиб қўлларимдан олар суюнчи. Лоҳал хуш насим бўлолмадим мен, Барибир бормадим бўлиб биринчи.

Дилором Исмоилова

ТУШ ТАББИРНОМАСИ ЮРАГИМДА МУҲРЛАНИБ ҚОЛГАН

Ҳамон эсимдан чиқмайди. 1982 йил эди. Июль... Жазирама иссиқ. 72 ёшли онамининг бирозгина тоблари қониб бети бўлиб қолди. Шу орада бир туш кўрдим. Кўш чарақлаб турган кўндузи кўни экан, мен эса қандайдир бир маъракадан қайтиб келиб кўча эшикдан ҳовлига кирсам, онамини қўрибман. У киши ҳовлимиз ўртасидан ўтган катта ариқ лабида бир ўзи сочини тараб ўтирган экан. Ариқ тўла тиниқ сув шитоб билан оқар эди. Онам ёшлик чоғидагидай чиройли эканлар. Соқлари эса қоп-қора, узунлигидан ариқдаги сувга тегай-тегай деб турар эди. Онам бошини ювмоқчи бўлса керак дедим-да, ёнидан индамай ўтиб кетардим.

Орадан қўл ўтмай бир ўн чоқли хўр кизлар онамини уртага олиб, сочини майда қилиб уриб қўйдилар-да, қўлларидан тўтиб кўча эшик томон сўрай бошладилар. Онам эса, бормайман деб, ёвғини тираб қаршилик қила бошлади. Қараб турсам, уларга онамининг кучи етмапти, юғуриб бордим-да, унинг қўлидан ўшлаб ажратиб олмақчи бўлдим.

«Қўйиб юборинглар онамини», — десам, қўйиб юборишмади. «Кимга айтаяпман», — деб жон-жаҳдм билан бир бақирган эдим, ўз товушимдан ўзим уйғониб кетдим. Қарасам, тушим экан. Эрта билан нонушта қилиб бўлгач, кўрган тушимни ётиги билан онамга айтдим. Онам эса менга қараб: —

«Болам! сув тозалик нишониси, соч эса йўл, қўлимдан ўшлаб сўдлаган аёллар эса, у дунёнинг хўр кизлари бўлса керак. Бундан чиқди сувада поклиниб, ёруғ дунё билан хайрлашиб, у дунёга йўл олар эканмиз-да», — дедилар-да, бироз ўйланиб қолдилар. Бизлар бир ота-онадан ўн ўғил ва бир киз эдик. Онамининг давлатимиз деб, барча қилган ҳаракатларимиз, дори-дармонларимиз на-тижасиз бўлди. Барча айтган ва тиланган нарсаларини муҳайё қилиб қўйганимиз билан бор-йўғи 45 кун дағдада онагини омонат жонини тошқирдилар. Фақатгина охири кунда овқатдан қолдилар. Ҳолос, Илоҳум жойлари жаннат бўлсин, раҳматли онамининг.

Демокчиманки, тушнинг яхши-ёмони йўқ. Лекин ҳаётингизда бўладиган воқеани олдиндан оғоҳлантириб қўяр экан, ҳолос. Шу қўрган тушимни ҳали-ҳамон ўнотолмайман. Қардан ҳам кўрдим шунангиз бемаза туш. нима учун бўлажак нохуш воқеадан оғоҳ этиш учун мени танлаган экан? Ака-укаларим ҳам бор эди-ку!, — дегим келади. Тагин ким билади дейсиз, балким менга тақдир қилгандир, шундай тушни қуриш. Албатта бу Аллоҳнинг қудратидир.

Ҳаётингизда бўладиган таъшишу қувончлар, авваламбор тушнингизда аён бўлар экан. Фақат турги хулоса чиқариб ололсангиз кифоя экан.

Каримжон Тоҳиев,
Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЎТИТНОМАСИ

Ота-она дуосини олганлар учун, Жаннат эшиги очилар бир кун.

Канчалар севсанг ҳам зару-зиёни, Орқалаб кетмайсан, дўстим, дунёни.

Роҳатин кўрай десанг болангни, Дуосин олиб қол ота-онангни.

Баҳорда барқ уриб турса ҳам япроқ Қўз келгач вужудин босади титроқ. Ёшлик ҳам унутма, гўзал баҳордир Аслида уни ҳам ўз қўзи бордир.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

СИМОБ

• Ўлдирилган симоб бит ва уни-н сиркасига қарши даводир.

• Симоб қизил гул ёғи билан биргаликда қўтиргач қарши ишла тилади.

• Симоб буғи эшитиш қувватини кетқизади.

• Ўлдирилган симобни ингичка ичка буралишига қарши ишлатилади.

• Симоб сичқонни ўлдиради. Унинг бўғидан захарли жониворлар ва илонлар қочади.

Сайдмурод Садахмад тайёрлади

«СУННАТ» ҚИЛДИРИШ ШАРТМИ? ..

«Суннат» ҳақида халқ ичида ҳар хил фикр юради: Биров «Нима қиларкан-а, ёш боланинг жонига азоб бериб», деса яна биров: «Бу узбекона урф-одат, бажарма са бўлмайди, ота-боболаримиз шу нарсани қилиб келишган, биз ҳам давом эттиришимиз керак», — деган гапни қилишди. Аслида-чи? Унинг туб моҳияти нимада эканини биламизми? Саволларга жавоб топиш мақсадида профессор Эргаш Салимовга мурожаат қилдим.

— Эргаш ака, муштарийларимизга «Суннат» ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

— «Суннат» бу халқ ибораси билан айтилганда «Қўлини ҳалоллаш»-дир. Ойлада ўғил туғилди, уни тезроқ «суннат» қилдириш пайига тушишади. Бу одат мусулмон динининг пайдо бўлишдан ҳам олдинроқ одат тусига кирган. Тарихий ман-

бааларга назар ташлайдиган бўлсак, яҳудий миллатида чақалоқ дунёга келган заҳоти «суннат» қилинаркан. Бизда эса 12 ёшгача бўлган ўғил болалар «суннат»га ётқизилади.

Диний китобларда энг ҳаром нарса инсон организмиди-ги уша олат бошидаги эт ҳисобланган. Эт кесиб ташлангандан сунггина бола мусулмон ҳисобланган. Тиббиёт нуқтаи назари билан ёндошадиган бўлсак, «суннат»га ётқизилмаган болаларнинг олатида инфекция тупланеди, вақтида шифокорга учрамаса йиринглаб кетади. Гоҳида улар сийошмаслигидан ёки олатини оғирлашдан шикоят қилиши мумкин. Ҳар бир ота-она шуни едда тутмоғи лозимки, бола шикоят қилдими, дарҳол шифокорга мурожаат қилиши

шарт. Чунки уша этда туз йиғилиб қолади. Агарда «ўтиб кетар, тузалиб қолади», деб вақтида курсатмаса, йиринглаб кетиб, сунгра уни жарроҳлик йўли билан даволашга мажбур бўлишади.

— Авваллари «суннат»ни халқимиз орасидаги «усталар қилишарди». Ҳозирги кунда эса тиббиётчилар ҳам шу ишни бажаришарди. Қайси бирига қилдиргани маъқул?

— «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган нақлга амал қилган ҳолда иш қилган маъқул. Бу ишни болалар жарроҳи қилгани яхши. Чунки у асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда болага озор етказмасдан бу иш амалга оширади. Ота-оналарга ҳам нима ишлар қилиш-

лари тугрисида фойдали маслаҳатлар бериб, боланинг аҳволидан хабардор бўлиб туришади. «Уста» лар ҳам анча-мунча малакали бўлиб қолишган. Бола озми-кўпми инжик-ланиб қолади. Шундай вақтда она иложи борича уч кунгача бола ёнида бўлгани маъқул. Фарзандини ҳам уч кунгача уридан турғизмасдан, тозалikka, озодалikka риоя қилган ҳолда, олатини устига дуппини ёлиб қўйиши лозим.

— Гоҳида айрим ота-оналар ўғлининг номини Суннат қўйишади. Нима учун?

— Бу нарса наслга боғлиқ. Гоҳ-гоҳида бўлсада, суннатга эҳтиёжсиз болалар туғилади. Кексаларимиз дарҳол ўндай болага ўз номи билан туғилибди дея «Суннат» деб исм қўйишади. Бу нарса кейинги

авлодларда яна такрорланиши мумкин.

— «Суннат»ни ўтказиш учун данғиллама тўй қилиш шартми?

— Ота-боболаримиз «Суннат» тўйларини бир мулла, тўрт-беш оқсоқоллар иштирокида ўтказишган. Ҳозирги вақтга келиб эса «Мен сендан камми?» қабилда басма-басига қарнай-сурнайлар, айрим жойларда дорбозлар билан даббали ўтказишмоқда. Бу эса халққа «ўзининг қимлигини қурсатиб қўйиш», «сохта обурттиришдан бошқа нарса эмас. Шун маслаҳати қилинаётганда маҳалла ахли, раислари бош-қош бўлиб, қикина, ихчамгина ўтказиш-ни қилишига олишса, фойдалан ҳоли бўлмасди.

Мазмунли ва самимий сўхбатингиз учун ташаккур!

Сўхбатдош: ХОНЕБИ
ХИММАТ қизи

1

Хонада ёлғиз ўзим ҳавл дарёсига шунгиган куйи упаннинг «куртин»ни улдириб утирдим. Кутилмаганда мойсирарган араваининг гилдирагига ухшаш нолиш қилганча эшик очилди. Ичкарига паст бўйли, кичик жуссали, юмалоқ юзига табассум «ин» курган бир чол, гарчи ёшига хос бўлмаса ҳам жисмига мос йусинда бедана сингари йўргалаб кириб келди.

— Танидингизми, мен кўқонлик тарозибон чол — Олтимшбой Султоновман, — деди кулимсираб.

— Э-э, бўлди-бўлди, эсладим. Ҳалиги суюнчи сўраб келган...

Гапим тугамасданоқ у тиззасига шатайлаганча қаҳ-қаҳ отди. Чоли тушмагурнинг овози ҳам миллиқнинг ўқидек экан. Келиннинг сопидек бўйнидан чиққан товуш кўлоқ тугул бетон деворни ҳам тешиб юборади-я. Бай-бай-бай! Мен бир кўлогимга бармоғимни, бир кўлогимга ручкамни тикиб ҳимояланмаганимда борми, кар бўлишим турган гап эди.

Олтимшбой деганлари шунақа ўзи. Табиатан шух, ушшакчақ ва кувноқ одам. Шунга яраша айёр, мугамбир. Бир шурваллик қув ва қитмирилиги ҳам бор. Лекин ҳамма фазилатларини қайсарлиги босиб тушади. Яланғоч сувдан тоямас, деб уни айтса бўлади.

Биринчи сафар келгандаёқ шундай шарт қўйган эди: «Мен етмиш беш шимда ўғил туғдирдим. Мендек деб одамни ҳозирги замонда кундузи чироқ ёки топиш қийин. Лекин, ҳеч ким қадримга етманпти. Номини элга танитишга кумаклашмаяпти. Мен ҳақимда газетга ҳажвия ёзиб чиқсанлар, деб келдим».

Ушанда чоли тушмагур роса бошимни гаранг қилган, миямни қоқиб қўлимга берганди. Охири хонани унга ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлгандим. Мана, яна қаршимда ир-

шайиб турибди. Ҳойнаҳой, яна ҳасрат халтасини бўшатишга келган бўлса керак. Уйлаганимдек бўлиб чиқди. Чол аввалига кулгидан ёшланган кўзларини енг учиде артиб қўйди. Кейин эса одатга кура дуо қилди.

— Илоҳ, топаннинг олтин, олганинг хотин бўлсин, Омин! Аллоҳу акбар — дея юзига фотиҳа тортиди. Мен дуо тула ҳовучимни ҳавода муаллақ тутганча хангу манг бўлиб қолдим. Уни на юзига суртишни, на ерга тикиб юборишни биламан. Чунки ҳар икки ҳолат ҳам гуноҳдан ҳал эмас.

— Нафасингизни ел учирсин-е! Ниятингиз совуқлига яраша овозингизни пастроқ қилсангиз-чи. Ахир ҳаммомда утирганингиз йўқ шекилли. Қолаверса, деворнинг қулоғи бор-а, — дедим қафимнинг тескари томонини оғзимга қопқоқ қилиб.

Чамаси бу гапим чолга ёқмади, энсаси қотандек бўлди. У пивзнинг пустидек лабларини учқайтириб, елка учуриб қўйди. Наилҳо, ҳафа бўлса ўзига, туз солиб айтсин-да сузига. Йугасам, оғзим бор деб ҳар балони валдирайиверадим? Ахир остонада аёллар йили салом бериб турган бўлса...

— Энди мухбир ука, гап бундоқ. Мени бир боппаб газетгага ёзиб чиқазасан. Бувғидан хотиржам бул, кўрқ қўймайман. Яхшилаб ёзсанг, албатта. Яхшилик ерда қолсанг, менда қолмайди.

— Ўзи шу нарса нима учун керак, сизга? — туюқчи сўрадим мен.

— Эсталик бўлиб қолади. Энг муҳими одамлар ҳаётда мендек бели бакуват чоллар борлигини билиб қўйишсин.

— Билганда нима узгарарди, осмон

2

узилиб ерга тушармиди?

— Нима бўлганда ҳам ёзасан. Гап тамом-вассалом.

Энди мени яхшилаб эшит, у ёғини кейин узинг турғилайверасан. Қушиш-олиш-бу сенинг ишинг. Менга фақат халқона тилда, оммабоп-хаммабоп қилиб ёзиб чиқазсанг бўлди.

Қариб қўюлмаган, суйиб сўюлмаган чол ҳақидаги ушбу ҳажвия шу тарика дунёга келди. Одатда қўй гушти, думба ёғидан тайёрланган паловхонтура ни қўлда еганга нима етсин. Шунда маззаси оғизда қолади. Шунга ухшаш бу саргузашт ҳангомани ҳам қахрамон тилидан баён этишни маъқул топдим. Оммабоп-хаммабоп қилиб ёзиш қўлимдан келмагани учун айнан шу усулни танладим. Агар туя деганим, биз чиқиб қолса узр. Менда айб йўқ. Ҳаммасига уша кўқонлик тарозибон чол айбдор.

— Шундай қилиб каминани билмаганлар биллиб, танимаганлар таниб қўйсин. Исми-

шарифим Олтимшбой Султонов. Ёшим 75 да. Шунча ёшга қирибман «вой жоним», деганимни эсломайман. Қўлчилик соғлиқ-емишга боғлиқ дейишди. Турги, ҳарини томоқ, эскини ямоқ тутди. Лекин саломатлик учун қулгидан утиб тушадиган даъво йўқ. Ростини айтсам, тенг-тушларим ичиде «қувват қўзимда қолди» дегувчилари куп. Мени эса худого шўрқ, ҳозир ҳам белим куч-қувватга, қалбим ишқ-муҳаббатга тула. Куча-қўйда қўпична аёлларни кузатиб юраман. Кузга ақинроғи бўлса илтиришга ҳаракат қиламан.

Кунларнинг бирида Қўқон шаҳридаги одам гавжум жойда утирсам, икки-та мижоз аёл келди. Иккаласи ҳам олифта кийинган, қалди-қомати, афти-ангори келишган жувон. Мен уларни-

«КУНЛАРНИНГ БИРИДА...» ТАНЛОВИГА

нг тирик вазини тортиб қўйдим. Пул беришганди-олмадим. Чунки жувонларнинг бири менга ёқиб қолди.

— Эрингиз борми? — деб сўрадим ундан.

— Эримдан ажралганимга беш йил бўлди. Эрим нобоп чиқиб қилиб турмушимиз муштга айлангач, суд орқали орани очиб қилдик, — деди у. Аёлнинг кунгли ва боши очиклиги менга қўл келди.

— Менга тегмайсизми? — дедим шартта мақсад-муддога кучиб.

— Тегардим... биламдим, онам билади, — деганча қўлимсираб хайрлашиб кетди у. Гапининг оҳангига қараганда эрга мойиллиги бор. Бошини айлантирса бўлади. Бунинг учун озгина фурсат керак эди. Эртасига аёл яна келди. Кечагидан бошқароқ қўзимга оловдек қуринди. Унинг қаерда яшашини сўраб билиб олдим. «Бизнес»ни бир четга суйиб қўйиб, оёғини қўлга олганча бозорга чопдим. Бир қийиқ тула майда-чуйда харид қилиб кечкурун унинг уйига бордим.

— Совчиликками...

— Ҳа, совчиликка, — деди чол гурч сингари тишларини курсатиб жиймаяркан. — Бошқа одам бўлмагандан кейин ноилоҳ узимга-ўзим совчи бўлиб боришга мажбур бўлдим. Энди мен сенга айтсам, мухбир ука, балиқ ҳам сув билан тирик. Эракка хотин, хотинга эрак

керак. Ҳаётнинг лаззати жуфтликдир. Шунинг учун уялмай-нетмай бордим. Қақрилмаган жойга йўнилмаган таёқ бўлиб борсам, жамоат жам битта мен кам эканман. Зиефат устига зиефат, гурунг устига гурунг қўшилиб кетди. Мен мавридани топиб муддаомни айтдим.

— Қизингизни менга бермайсиз-

ҚУЮЛМАГАН

ЧОЛ

3

ми? — деб сўрадим кампирдан.

— Агар уй-жойингиз бўлса берардим, — деди у.

— Бошқа шартингиз йўқми?

— Йўқ, — дея жавоб қайтарди кампир. Кейин булажақ қайнонам қизлари билан «уй қурди»га келишди. Гишт қўприкдаги бир хоналик уйимни заммалари бориб қуришди. Маъқул тушди шекилли, уша кунёёқ ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек қилиб кетишди. Демак, қизини менга бераркан, деган ҳулосага келдим. Орадан ҳеч қанча вақт утмасдан маҳалладаги уч-турт оқсоқолни қақириб никоҳ ўқитди. Қайнонамга суюнчисига икки минг сўм пул бердим. Қайнотамга бошдан-оёқ бир сидра сарпо қийдирдим. Кампирнинг эрга тегиб-тегмасдан юрган иккита қизига ҳам дуппи, қўйлақ-иштон харид қилиб бердим. Ишқилиб, нима сурасиша сира йўқ демади. Шу тарика биз эр-хотин бўлиб олдик. Жодугар кампир қизини бергандан кейин елкамга бира-тула узининг улигини ортиб қўйди. Иккита эрдан чиққан қизи-ю, бир этак невалари билан бир хоналик уйимга кўчиб келиб этиб олди. Эрта кетар, индин кетар, дегунча кўнлар кетидан ойлар утди. Кетишидан эса дарак йўқ. Серутлоқ яйловни топиб олган сизгирдек уйимдан сийжигиси келмайди. Бор-будимни едириб қафганда бўлдим. Фарзандларимдан ҳам нажот чиқмади. Охири Қўқондаги уйимни сотишга қарор қилдим. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмадим, бировага маслаҳат ҳам солмадим. Уйимни арзон қаровга сотдиму қўвнингнинг расмини чиқиб, жуфтканни ростладим.

— Хотин қайдақа қолди?

— Хотиниям узим билан бирга опқониб келдим. Игна қаерда бўлса, ип ҳам уша ерда бўлади-да, ўғил бола. Тошкентда олти ой бирга турдик. Бир кун хотиним:

— Ота-ота «ақ-бағим» қимирляпти, — деб қолди.

— Қимирлаган қир ошади, — де-

дим-да «Тез ердан» қақирдим. Кейин хотинини туғруқхонага олиб бордим. Қабулхонада утирган навбатчи шифокор терговчидек суроқ қилишни бошлади. Нима дейишни билмайман. Хотиним дейин десам никоҳдан утмаганмиз. Қонуний ҳужжат расмийлаштирилмаган. Бунинг устига галча хотинни паспортиям йўқ экан. Худонинг узи кечирсин, шунда ёлгон гапиришга мажбур бўлдим. Тўғрисишни айтсам, қамаб-нетиб қўйсамин тагин, деб қўқдим.

— Қизим эри билан ажрашиб келти, — дедим хотинимни курсатиб. Ҳартўғул гапимга ишондишди. Туғруқхонада унинг фамилияси қизим бўлиб ёзилиб қолди. Шу-шу елкамга тарозини осиб туғруқхонага борсам, «Ана Дилдоримнинг отаси келди», дейишадиган бўлишди. Бу ерда хотиним ун беш кун ётиб даволаниб чиқди. Даволовчи шифокорнинг маслаҳатига кура энди уни поликлиникада руйхатдан утказиб қўйишим керак эди. Турар жойимга яқин поликлиникага чиқдим. Қабулхонада Саодат исми аёл навбатчи экан. «Қизимни туғруқхонага ётқириш учун ҳужжат тайёрлашим керак. Уни эри уриб ҳайдаб юборган», десам бечора аёл муруватини аямди. У бешта қозонни қўлимга тутқазиб тайинладди.

— Шуларни тулдириб келмасангиз қизингизни туғруқхонага қабул қилмайди, — деди. Елиб-югуриб ҳужжатларни тулдиридим. Охири руҳий касалликлар шифохонасидан тулдириш қолганди. Борсам, 300 сўм пора сўрашди. Уша пайтада катта пул эди. Бунинг устига ўзим носокковча нос қидириб юрган пайтим. Эшитган заҳоти қузимнинг пахтаси чиқиб кетди. Шунда каллам ишлаб қолди. Хотиним узи жинни одамга эрга теккан бўлса...

— Ҳартўғул тан олдингиз-а...

— Мен эмас-е! Олдингиси шунақа эди, мени эс-хушим жойида, соппа-согман.

— Хул кейин нима бўлди?

— Кейин, «Агар дўхтирлар буни би-

4

либ қолса, хотинимни руҳий касалликлар шифохонасига ётқиришди», деган уй-фикрга бориб ундан утмадим.

Эртаси кун хотиним яна безовталанди.

— Ота-ота, қимирляпти, — деди у ва тарвуздек дуппайиб қолган қорнига ишора қилди.

— Эй қимирламай ўлсин, — дедим мен ва «Тез ердан»га хабар қилдим. Бир амал-тақал қилиб уни туғруқхонага жойладик. Орадан икки кун утиб, хотиним кўчкордек ўғил туғди. Бошим осмонга етди. Қўвончимдан танамга сиймай, бамисоли сувга тушган балиқ сингари яйраб кетдим. Чол бўлсам ҳам доя хотинларга қучоқ-қучоқ гул ва совға-саломлар улашдим. Бу орада хотинимга янги паспорт олиш учун Қўқонга бордим.

Қайтишда қайнонамни бирга олиб келмоқчи бўлдим. Аҳмоқ бўлмасам шундай қилардим. Қайнонам ғирт ёлгончи хотин экан. Буни кейин пайкаб қолдим. «Қизингизга узингиз қарамасангиз, мени қийнаб қўйди шекилли», деб бошим балога қолди. Ўзига эргаштириб иккита қизиниям дум қилиб олди. Хуллас, Тошкентга келдик. Туғруқхонадан болани олиб чиқдик ҳам. Қайнонам қизини Қўқонга олиб кетмоқчи бўлди. «Бола сал узига келсин, суняги қотсин, опкетти бўлса қочмас», десам сира гап ўқмайди, эси паст пандавоқчи хотин. Охири уларни поездга чиқариб қузатиб қўйдим. Шунга ҳам бир йил бўляпти. Бу орада саккиз марта Қўқонга бориб келдим. Сотган уйимнинг пули йўлирага кетди, нуқул. Бирор марта бўлсин ўғлимни қурганим йўқ. Жодугар кампирнинг кўнглига қўл солсам, нияти бузўқ, «Бизга юз минг сўм қарз бериб турсангиз, нима донсангиз қиламиз», — дея оғзидан гуллаб қўйди у. Мени ҳақлим чиқиб, шу буйи қайтиб борганим йўқ. Шунча пулни берсам, хотиним билан ўғлим-

ни қайтариб оларканман. Қари одамда бунақа пул қайда дейсиз. Бундан кура яна битта хотин олиб туғдиравераман-да! Худого шўқур ҳали куч-қувватдан қолганим йўқ. Ўзимга ишонаман. Отам олтимда туғдирган бўлса, мен етмиш беш ёшимада туғдирдим. Пародиямиз шунақа ўзи.

Шундай қилиб, ҳозир суққа бошман, естикни бағримга босиб ётибман. Лекин эрак кишининг қорни туйса ҳам қучоғи тўлмаса уйқуси келмаскан. Тўнлари мижжа қўмай чиқаман. Шу алфозда ит ётиш, мирза туриш бўлиб яшайман. Қайнонам хотинимнинг паспорти билан ўғлимни тўғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олиб қўйганча қайтиб бермаяпти. Қизини келтирмаётган ҳам уша афирис кампир бўлади.

— Хотинингиз ахшимиди ўзи, тутқанок дарди йўқмиди ишқилиб?

— Баҳор ҳавосидек ҳар замонда айниб турарди. Орқасини силаб-сипалаб эс-хушига келтириб қўярди. Энди хотинимга зеб-зийнат эмас... бошқа нарса керак. Бунни ўзи ҳам тан олади. Пул унинг онасига, ўғлини уйлаш учун керак экан, кейин билсам. Жодугар кампир мени лақиллатмоқчи бўлибди. Лекин, Олтимшбой анойи эмас. Юлдузани Бенарвон урадиган, бурганинг ичагидан ҳасиқ тайёрлайдиган уздабурон одам. Яна бироз сабр қилиб тураман. Қайнонам инсофга келса хул-хул. Йўқса узидан курсин. Кейин мендан уқаламасин. Шундоғам узи ундан қўнғилим соводи, қўлимни ювиб қўлтигимга артиб қўйдим. Аввал бунисини бир ёқлик қилайин. Кейин бошқасига уйланаман. Албатта туғдираман. Энди фарзанд курсам исмини Тўқсонбой қўяман. Ҳозирча йиғинияман. Қиз бўлмаса жувон топилиб қолар. А, лаббай, нима дедингиз! Ахир «бизга ҳам бордир бирор ховлида қиз».

Комилжон ТОШМИРЗАЕВ

